# КИТОБСИЗ ЯШАБ БЎЛМАС...

(Боши 1-бетда.)

қуйишга чоғланаётган йигит-қизларнинг адабиёт ҳақидаги тасаввурлари шу қадар ғариб бўлса? Албатта, битта мисолга қараб, Ўзбекистондаги ҳамма мактабда аҳвол шунақа деб хулоса чиқариб бўлмайди. Лекин... Яқинда «Синфдош»нинг яна бир кўрсатувини томоша қилишга тўғри келди. Бу гал зоминлик мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили ҳақида гап кетди. Гап айланиб, яна ёшларнинг китоб ўқиш масаласи тилга олинди. Шунда ўқувчи қизлардан бири «биз кутубхонага бормаймиз, чунки унда бизга керакли китоблар йўқ», деб важ кўрсатди. Мен яна ҳайрон бўлдим — майли, қизимиз туман эмас, мактаб кутубхонасини назарда тутаётган бўлсин — наҳотки кутубхона номига эга бўлган зиё масканида ёшларга маъқул бўладиган, майли кўп эмас, ўн-ўн бештагина китоб бўлмаса?

Буни ўйлаб, уйимнинг тагига етиб улгурмасимдан яна бир воқеа содир бўлди — бу гал телевизорда интервью бераётган ёшгина эстрада хонандаси «қандай китоблар ўқиб турасиз?» деган саволга ўта бамайлихотирлик билан, ҳатто беписанд бир алпозда «умуман китоб ўқимайман», деб жавоб берди. Бу энди шунчаки бир мактаб ўқувчисининг эмас, бутун ҳаётини санъатга бағишлашга чоғланаётган одамнинг жавоби. Билмадим, бу «санъаткор» йигит чиндан ҳам китоб ўқимасмикин ёки олифтагарчилик қилиб, томошабинлар диққатини ўзига жалб қилмоқ-чун шундоқ жавоб бердими? Ҳар нима бўлганда ҳам айрим ёшларнинг китобга бунақа муносабати кишини ташвишлантирмай қўймайди. Биз мақоламизга «Китобсиз яшаб бўлмас...» деб сарлавҳа қўйдик. Тўғрисини айтганда, китобсиз ҳам бемалол яшаб, умр ўтказса бўлаверади. Фақат бу қандай умр бўлади?

Умрида биронта ҳам китоб ўқимаган одам бугунги дунёда нима деган одам бўлади? Китоб ўқимаслик ҳаётда муқаррар тарзда чала муллаликка, маърифатсизликка, жоҳилликка олиб келади. Булар эса ўз навбатида лоқайдликни, фикрсизликни, маънавий қашшоқликни туғдиради. Бу сифатлардан манқуртликкача ораси бир қадам, холос. Шундай ҳолларда ўз-ўзимга «эй, биродар-ей, мунча куйинмасанг, бир түп ёш-яланг китоб ўқимаса ўқимапти-да. Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Улар ўқимаса ҳам, чаламулла бўлса ҳам бинойидек ҳаёт кечиряпти, ейдиганини еб, ичадиганини ичиб, маишатини қилиб, гаштини суриб юрипти. Сенинг беҳуда куйганинг қоляпти, холос», дегим келади-да, қўлимни ювиб, қўлтиғимга уриб қўяқолсамми, деган хаёлга бораман. Лекин бундай қилиб бўлмайди-да! Чунки бугунги кунда менинг китоб ўқишим, сенинг китоб ўқишинг, унинг китоб ўқиши, ҳаммамизнинг тафаккуримиз, маънавий дунёмиз шахсий иш бўлмай қолди-да! Биз бугунги кунда ҳар томонлама ривожланган, баркамол, фаровон жамият қуришни мақсад қилиб олганмиз. Ҳадемай улуғлик бобида жонажон юртимиз Америкага етиб олса ажаб эмас. Балки бу сатрларни ўқиган айрим одамлар «Нотавон кўнгилга кўтир жомашов. Америка қаёқда-ю, сиз қаёқда?» деб таъна қилишлари мумкин. Йўқ, биродарлар, таънага ҳожат йўқ. Мен атайин шундай деб ёздим. Эътибор берган бўлсангиз, мен «куч-қудрат»да деяётганим йўқ, «улуғлик бобида» деяпман. Бу тушунчалар бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини тақозо қиладиган, бир-бирига киришиб кетадиган тушунчалар, лекин шундоқ бўлса-да, улар айнан тенг, мутлақо бир-бирини такрорлайдиган тушунчалар эмас.

Ўзбекистонни жаҳонда энг олдинги марраларга олиб чиқиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор, фақат улардан оқилона фойдаланмоқ керак. Яшаш тарзимизни энг доно андозаларга мос тарзда янгидан бичиб чиқсак, тахчилликни бутунлай қувиб чиқарсак, савлатидан от ҳуркадиган, аслида эса жамиятга сариқ чақалик фойдаси тегмайдиган, ўз халқини менсимайдиган, ўз она тилини билмайдиган чаламулла амалдорларнинг баҳридан ўтсак, пора ва ўғирлик деган нарсаларнинг номини ўчирсак, ҳар бир ишимизда инсоф ва диёнат, адолат ва тўғрилик раҳнамо бўлса, одамлар ҳаром-ҳаришдан ҳазар қиладиган бўлса, ҳамма жойдан адоват ва ҳасад йўқолиб, одамлар ўртасида ўзаро меҳрибонлик, шафқат ва мурувват қарор топса, ҳар бир одам ўз номусини ҳар нарсадан юқори қўйса, виждонини пок сақласа, лафзли, субутли бўлса... Мамлакатнинг улуғ бўлмоғи учун бундан ортиқ яна нима керак? Фақат...бу осон иш эмас. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Уни бунёд қиладиганлар, яъни бугунги ёшлар баркамол ақл эгалари бўлмоқлари, юксак маданий савияга, теран маънавиятга эга бўлмоқлари керак. Бу сифатлар ҳам осмондан тушмайди, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳар бир одам ақл-заковатини ўткирлаштирмоқ учун, маданий савиясини юксалтирмоқ учун бутун умри давомида бир дақиқа ҳам тиним билмай курашмоғи, меҳнат қилмоғи керак. Бундай меҳнат келажакка етиб боргандан кейин эмас, шу бугундан бошланмоғи зарур. Одамга ақлни пешламоққа, маънавий дунёни бойитмоққа имкон берадиган воситалар кўп. Шулардан энг самарадори, энг қулайи, энг беминнати ва энг камчиқими китобдир. Фақат одам имтиҳон топшириш учунгина ёки ном чиқарарга китоб ўқимаслиги керак. Китоб ҳар қандай одам учун нондай азиз бўлмоғи лозим.

Одам ҳар куни бир лаҳза бўлса-да, китоб билан сирлашмоқни ўзи учун ҳаётий заруриятга айлантирмоғи зарур.

Афсуски, «Синфдош» кўрсатувидаги ёшларнинг жавобларида ва умуман, гап-сўзларида уларнинг яқин келажакда зиммаларига юкланажак буюк ва шарафли масъулиятни ҳис қилаётганларини унчалик сезмадим. Аксинча, уларнинг жавобларидаги адабиётга беписанд муносабатда, ўзларининг маънавий дунёларини бойитишга лоқайдликларида шўролар замонида кенг тарқалган бир мудҳиш касалнинг ҳали битиб кетмаган изларини кўргандек бўлдим. Бу — «Тайёр ошга баковуллик» касали. Шўролар замонида фикрлайдиган, ташаббускор, ишчан ва ҳаракатчан одамларга унчалик эҳтиёж йўқ эди — фақат айтганни қиладиган, буйруқни бажарадиган одамлар керак эди. Ҳамма учун партия ўйларди, ҳамма учун раҳбарлар режа тузарди, ҳамма учун катталар қарор қабул қиларди. Оддий одамлар эса итоаткорлик билан буйруқни бажарарди, холос. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсага лоқайд қараш, ҳамма нарсани кимдир келиб муҳайё қилиб беради, буйруқ беради, шундан кейин ҳаракатга киришамиз, деб ўйлаш кенг тарқалганди. Минг қатла шукрки, у замонлар ўтиб кетди. Энди Ватан ўзимизники, унинг истиқболи ўзимизники, тақдиримиз ўзимизники. Биз мустақил бўлдик, энди ҳамма ишлар ўз-ўзидан даранглаб кетаверади, ўз-ўзидан бахтиёр турмуш ҳам шаклланаверади, деб ўйлаш мутлақо хато. Мустақиллик шунақа нарсаки, унга кўз олайтирган кимсалар, уни ёғлиқ патирдай бўлакларга парчалаб, синдириб ташиб кетишга тайёр турган ёвуз кучлар бор. Бундай кучлар нафақат диний мутаассиб кучлардир — улар ўзимизнинг ичимизда ҳам бор. Нодонлик ва жоҳиллик, лоқайдлик ва мақтанчоқлик, ҳаёт тамойилларини тўғри англаёлмаслик, худбинлик каби иллатлар ҳам олға боришга жиддий халақит берадиган ҳодисалардир. Бу фикримни далиллайдиган бир мисол келтирай. Биз сўнгги йилларда иқтисодий-ижтимоий ҳаётда бозор муносабатларига ўта бошладик. Бироқ тафаккуримизнинг торлиги ва маданий савиямизнинг пастлиги туфайли ҳамма вақт ҳам бугунги бозор муносабатларини, унинг анча тараққий этиб кетганини тўғри тасаввур қила олмадик. Натижада баъзи масалларда адашиб қолдик. Бу адашиш, айниқса, адабиёт соҳасига катта зарар етказди. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам «ана, тадбиркорлар замони келди, қани, китобингни йиғиштир, болам, енг шимариб пул топишга кириш», деган гаплар айтиладиган бўлди. Айтиладигангина эмас, чиндан ҳам кўпчиликнинг адабиётга, китобга муносабати ўзгарди.

Баъзи одамларнинг назарида тадбиркор бўлмоқ учун киши ўз ишига пишиқ бўлса, юлдузни бенарвон урса, пул санашни яхши билса, кифоя. Эҳтимол, Отчопарда улгуржи харид қилиб, Эски Жўвада чакана сотадиган хашаки тадбиркор шундай бўлса бордир. Бироқ биз бутун юрт хўжалигини юритишга қодир бўлган, унинг бугунинигина эмас, эртасини ҳам аниқ кўра биладиган тадбиркорни, топганини киссасига уриб, фақат ўз нафсини ўйлайдиган нокасни эмас, бутун мамлакатни бойитадиган, тўқлик, фаровонлик салтанатига олиб боришга қурби етадиган тадбиркорни айтяпмиз. Бугун бизга ўзбекнинг Фордлари ва Рокфеллерлари, Дьюпонлари ва Ротшилдлари керак. Улар ўз соҳасини жуда етук олим даражасида мукаммал билишган. Улар бу билан чекланмай, маданий савияси ғоятда кенг, ҳар хил соҳалардаги билимлари ғоятда чуқур, даврининг энг пешқадам одамлари бўлишган. Табиийки, фақат шундай одамларгина, жаҳоний миқёсларда фикрлайдиган янги одамларгина бизнинг юртимизни ривожланишнинг катта йўлига олиб чиқа олади. Бундай сифатларни ўзлаштириб, ўстириб бориш учун китобга мурожаат қилишдан, китоб билан бир умрга дўстлашишдан ўзга чора йўқ. Шунинг учун, азиз ота-оналар, бозорга чиқариб юборган фарзандларингизни яна қайтадан мактабга ҳайдашга ошиқинг. Ҳар ҳолда, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фақат билим орқалигина муваффақиятга эришиш мумкин.

Шу ўринда яна битта нозик масала устида бироз фикр юритишга тўғри келади. Биз матбуотда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам ўзбек халқининг қадимийлиги, олис тарихи давомида жуда бой адабий-маданий мерос яратгани ҳақида кўп гапирамиз ва ҳақли равишда шу юртнинг фуқароси, шу халқнинг фарзанди, шу бой маданий мероснинг ворислари эканидан фахр қиламиз. Табиий савол туғилади — ана шу қонуний фахр туйғуси асосидагина биз, яъни бугунги одамлар, шу жумладан, бугунги ёшлар ҳам ўзимизни том маънода маданиятли одам деб ҳисоблашимиз мумкинми? Менинг назаримда, бу саволга бемалол оғзимизни тўлдириб, «ҳа» деб жавоб беришимиз қийин бўлса керак. Чунки ҳаёт йўлларида фикри ғоятда чекланган, истиқбол ҳақида, эртаги кун тўғрисида ўйлаш у ёқда турсин оёғи остидан нарини кўролмайдиган, берсанг еймаи, урсанг ўламан, деб яшайдиган, Алишер Навоийга ҳам, Абдулла Қодирийга ҳам, Соҳибқирон Темурга ҳам, Мирзо Улуғбекка ҳам бефарқ, лоқайд қарайдиган одамлар ҳам учрайди. Бинобарин, маданий меросимиз ҳар қанча бой бўлгани билан, фақат шуни дастак қилиб олиб, бутун халқ ёппасига, ўз-ўзидан, автоматик тарзда маданийлашиб қолган, деб айта олмаймиз. Тўғри, бой ва бетакрор меросга эгамиз, лекин уни ҳар қанча мадҳ этганимиз, ҳар қанча оламга кўз-кўз қилганимиз билан бундан менинг, сенинг, унинг, қўйингчи, ҳаммамизнинг маданий савиямиз ўз-ўзидан кўтарилиб қолмайди. Биз асрий меросимизнинг ҳам, бугун яратилаётган маданий-маънавий бойликларнинг ҳам том маънодаги эгаларига айланмоғимиз керак. Қолаверса, фақат бугина эмас, балки курраи заминнинг ҳамма минтақаларида бутун инсоният томонидан яратилган маданий бойликлар маънавий хазиналарини ҳам ўзлаштириб олмоғимиз жоиз. Бунинг эса фақат битта йўли бор — ҳар қайсимиз кучимизни аямай, вақтимизни қизғанмай, бу бойликларни ўрганиб, улар тўғрисида фикр юритиб, баҳслашиб, моҳиятини англаб, уларни кўнгил мулкига айлантирмоғимиз керак. Бу иш ҳашарлар йўли билан амалга ошмайди, мўъжиза рўй бериб, бир юмалаб уларни ўзлаштирган одамга айланиб қолиш мумкинмас. Фақат узлуксиз меҳнат билан, бутун умр давом этадиган машаққатли изланишлар билангина бунга эришиш мумкин. Шундагина бу бойликларнинг ички маъноси, моҳияти бизга аён бўлади, шундагина биз беқиёс гўзалликлардан баҳраманд бўлиб, ўзгариб бораётганимизни, кўнглимиз юмшариб, ҳар хил қора доғлардан фориғ бўлиб бораётганини, уларнинг ўрнини меҳр ва муҳаббат, мурувват ва шафқат эгаллаб бораётганини ҳис қиламиз.

Ана шундагина, яъни инсоният яратган битмас-туганмас хазинани тўла бўлмаса ҳамки, лоақал имкон қадар ўзлаштириб, ўз мулкига айлантириб олгандан кейингина одам ўзини маданиятли деб ҳисобласа тўғри бўлади. Бу гапларнинг ҳаммасидан жуда оддий, лекин ҳамма вақт ҳам инобатга олинавермайдиган битта хулоса чиқади — юксак маданиятсиз, теран маънавиятсиз, ҳар томонлама пухта билимсиз, эркин ва юксак тафаккурсиз ҳеч қанақа порлоқ келажак қуриб бўлмайди. Эй менинг «Синфдош» кўрсатувида жамолини намойиш этган ёш дўстларим! Эй, ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган ёш хонанда дўстим! Умуман, китоб устида кўз нурини тикиб ўтиришдан кўра кўча чангитиб юришни, ошиқ ўйнаш ёхуд ланка тепишни ёки бошқа кўнгилхушликларни, кайф-сафони афзал кўрадиган, беш кунлик дунёда яйраб, ўйнаб қолиш керак, деган ақида билан ҳаёт кечиришни бирдан-бир тўғри йўл деб ҳисобловчи ғофилгина укаларим, сингилларим! Шуни яхши билиб қўйингки, сиз қай сабаб билан бўлсин — китобдан юз ўгириб, ўз-ўзингизни беқиёс салтанатдан ҳайдаб, маънавий қашшоқликнинг, фикрий маҳдудликнинг, жаҳолат ва нодонликнинг совуқ эпкинлари, манҳус елдиримлари ҳукмрон бўлган саҳрои биёбонга бадарға қиласиз. Шуни билингларки, китобдан, маърифатдан, маънавиятдан юз ўгириб, сизлар келажакнинг бунёдкори бўлишдек буюк бахтдан ўзингизни мосуво қилаяпсиз. Умр шув этиб ўтиб кетади. Ҳаёт лаззатлари, кайф-сафо, айш-ишрат, маишат, ҳар қанча жозибадор кўринмасин, улардан ҳар қанча ширин хотиралар қолмасин, барибир улар пешонада ва янада ёмони қалбда — бадбуруш чандиқлар, ажинлардан бошқа из қолдиришдан бошқага ярамайди. Шунинг учун фурсатни бой бермасдан ҳаракат қилинг, елинг-югуринг, бойлик орттиринг, қўлнинг кирига ўхшаган бойлик эмас, ўзингиз билан мангу қоладиган, сизга ҳеч қачон панд бермайдиган, ҳаётингизга маъно ва мазмун бахш этадиган маънавий бойлик орттиринг. Бунинг учун эса китоб билан умрбод дўстлашмоқ, юзни маърифатга бурмоқ зарур.

Айни чоғда шуни ҳам эътироф этмоқ керакки, кенг маънодаги китобхонлик масаласи фақат чақириқлару даъват билан, хитобу шиорлар билан ҳал бўладиган масала эмас. Одамларнинг, ёшларнинг кўнгил майлларини, хоҳишу иродаларини китобат мулкига буриб юборган билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Маънавият масалаларига жуда катта аҳамият бераётган, уни ҳар бир фуқаро қалбига етказиш тадбирларини жуда жиддий ўйлаётган жамият бу йўлдаги дастурига китобхонлик масаласини ҳам энг асосий бандлардан бири сифатида қўшиб қўймаса бўлмайди. Бу масала, бугунги шароитда, яъни бозор муносабатлари шаклланиб келаётган шароитда янада мураккаб тус олади.

Бозор муносабатлари шароитида адабиёт яшаб қолиши ва ривожланиши учун анча жиддий ўзгаришларни бошидан кечирмоғи зарур. Лекин мен ҳозир мазкур мақолада масаланинг бу жиҳатига тўхталмоқчи эмасман, мен бошқа нарсани таъкидламоқчиман — адабиёт, китоб ҳар қанча ўзгаришни бошидан кечирмасин, барибир, у жамиятга жуда керак нарса, ош, нон, сув, ҳаво каби зарур буюм. Жамият адабиётсиз, китобсиз яшай олмайди. Шунинг учун бозор шароити ҳар кимга аравасини ўзи тортишни тақозо қилса ҳам, жамият адабиётга қарашиб юбормаса бўлмайди. Албатта, ёзувчилар ичидан ҳам битта-яримта тадбиркор чиқиб қолиши мумкин. Кўпчилиги ҳар қанча китоб ёз десангиз ёзиши мумкин-у, лекин ундан нарига ўтолмайди. Шунинг учун адабиёт аравасини тортишга жамият кўмаклашиб юбормаса бўлмайди.

Шуни жуда катта мамнуният ва ифтихор билан таъкидламоқ зарурки, мустақил Ўзбекистонимизда маънавият ва адабиёт масалаларига катта эътибор билан қаралаяпти. Адабиёт ва санъатга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, юртбошимиз Ислом Каримов ниҳоятда бағрикенглик билан, беқиёс бир саховат билан адабиётимизга ҳомийлик қилмоқда. Кейинги йиллар мобайнида катта йиғинларда сўзлаган нутқларининг ҳаммасида у ўнлаб ўзбек ёзувчиларининг номларини тилга олиб, уларнинг ижодига, асарларига юқори баҳо берди. Мустақиллик байрамлари арафасида ва бошқа муносабатлар билан кўпчилик ёзувчиларга турли мукофотлар, нишонлар, унвонлар берилди. Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов каби ижодкорларимиз Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Буларнинг барчаси жамики қалам аҳллари ўртасида чексиз мамнуният ва миннатдорлик туйғуларини тўлдирмай қолмайди. Айни чоқда, адабиётга бундай муносабат адабиётнинг қаддини тиклашга, китобхонлар ўртасидаги обрўйини қайта тиклашга ҳам ёрдам беради. Лекин, афсуски, адабиётнинг айрим муаммолари, ҳаёт-мамот масалалари борки, булар билан ҳам жиддий шуғулланмасак бўлмайди шекилли. Масалан, минимал қалам ҳақи, ёзувчидан олинадиган даромад солиғини қайта кўриб чиқиш, нашриётларни давлат тасарруфидан чиқариш ёки чиқармаслик масалалари, уларга молиявий ёрдам бериш, китоб савдосини такомиллаштириш масалалари шулар жумласидандир. Хуллас, адабиётни ривожлантириш масаласида, китоблар нашр этиш ва уни китобхонга, айниқса, қишлоқдаги китобхонга етказиш борасида алоҳида дастур қабул қилиш бугуннинг энг зарурий талаби бўлиб қолди шекилли. Ҳар нима бўлганда ҳам, китобсиз яшаб бўлмайди.



Сокин оқшом...

Т. Маҳкамов сурат-лавҳаси

# ЁШЛАР — МИЛЛАТНИНГ ЭРТАСИ

(Боши 1-бетда.)

Собиқ иттифоқ даврида ёшлар «тарбия»сига жиддий эътибор берилар эди. Қизил мафкура ёш авлод дунёқарашини ўз манфаатларига мос равишда шакллантирмоқ учун барча воситаларни ишга солар, ҳеч нимани аямасди. Болалар оила қучоғидан чиқиши биланоқ «октябрятлар» сафига ўтказилар, кейинчалик бўйинларига қизил галстук тақиб пионер қўшиқларини куйлашар, ундан кейин эса комсомолликка ўтиб, мафкуравий топшириқларни сўзсиз бажаришга қасамёд қилишар эди.

Шўролар даврида талабаларнинг ёзги қурилиш отрядлари ҳам бежиз ўйлаб топилмаган. Ўзбекистонлик ёшлар Сибир ва Олтой ўлкаларида, Болтиқбўйидан келган студентлар эса Россия марказида меҳнат қилишарди. Бундан кўзланган мақсад — у ёки бу қурилишни вақтида битказиб, фойдаланишга топшириш эмас, ёшларни мафкура таъсирида доимий ушлаб туриш, улар шуурига коммунистик ғояларни бетўхтов сингдириш эди.

Мустақиллик бугунги ёшларни собиқ мафкуранинг шундай тузоқларидан халос этди. Ёшлар учун ўқиш, илм олиш, ўзликни намоён этишнинг беадоқ имкониятлари яратилди. Олий ўқув юртларида имтиҳон олишнинг тест усули жорий этилиши ғоят адолатли иш бўлди. Бугун фақат олий ўқув юртларининг талабалари эмас, оддий мактаб ўқувчилари ҳам хорижда таълим олаётганлари — мустақилликнинг улуғ неъматларидандир.

Президентимиз «Мен ёшларга ишонаман, мен улар билан биргаман, уларни худди ўз фарзандимдек ардоқлайман. Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, ўзимиз тарбиялаб, ўзимиз вояга етказамиз» деган сўзларни тез-тез такрорлаб турадилар. Чунки миллатнинг, мамлакатнинг эртаси, келажаги, тақдири, шубҳасиз, бугунги ёшлар қўлида. Янги асрда Ўзбекистоннинг бугунгидан-да баланд жаҳоний нуфузини таъминлайдиган, обрўсига обрў қўшадиганлар ҳам бугунги ёшлардир.

Ёшлар тарбиясида меҳнатнинг роли беқиёс. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар хил айнишлар, жиноятчи унсурларнинг таъсирига тушиб қолишлар бекорчиликдан, бемақсадликдан келиб чиқади. Буни назарда тутган ҳолда, бизнинг фикримизча, йигит-қизларнинг бўш вақтларини самарали банд этиш билан боғлиқ баъзи қўшимча чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим. Чунончи, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг бир қисмида меҳнатнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш эҳтиёжи бўлади. Масалан, талаба дам олиш кунлари икки-уч соат бирор бир меҳнат жамоасида, масалан кичик корхонада ишлаши мумкин. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ёзги таътил ойларида кўп вақт бўш қолиб кетадилар. Улар ҳам бирор бир корхонада вақтинча (соатбай) меҳнат қилишлари, қизиққан касблари бўйича малакаларини оширишлари мумкин. Айтиш жоизки, ҳозирча бундай шароитлар пойтахтимизда, вилоятлар марказида, туманларда етарли даражада яратилмаган. Бекорчилик иллати, айниқса, қишлоқ жойларида кўпроқ учрайди. Ўзи билмаган ҳолда жиноят ёки майда безорилик кўчасига кириб қолган ёшлар билан суҳбатлашсангиз, «ҳаммасига бекорчилик сабаб бўлди» деган гапларни эшитасиз.

Ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи мутасаддилар бунга алоҳида эътибор беришлари зарур.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

*Икки оғиз дил сўзи*

# ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҚЎШИҒИ БЎЛСИН

Қаҳрамон! Фидойи, заҳматкаш актёр дўстим! Қўлимга қалам олдиму ёшимиз ўртасида анча фарқ борлигига қарамай, бир-биримиз билан яқин дўст бўлиб қолганлигимиз ҳақида ўйладим. Суҳбатларимиздан бирида «ҳали мен ўз қўшиғимни айтганим йўқ» деган сўзларингни эсладим. Буюк актёрлар Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимовлар иштирок қилган асарларда каттаю кичик роллар ижро этиб, устозларнинг меҳрини қозонган актёрнинг бундай камтарлиги мени хушнуд этди.

Устоз Шукур Бурҳонов сенга шундай деган экан: «Сен анойи одамлар билан саҳнага чиқаётганинг йўқ, ёнингда Шукур Бурҳонов! Саҳнада ёлғон гапирсанг аяб ўтирмайман. Отинг Қаҳрамон, энди сен саҳнада ҳам қаҳрамон бўлишинг керак...»

Телевидение орқали сен ҳақингда берилган кўрсатувларнинг бирида Ўзбекистон халқ артисти Риҳси Иброҳимова тўлқинланиб шундай деган эди: «Қаҳрамон Абдураҳимов... Нафис истеъдод соҳиби. Актёрлик талабларининг барча қоидаларига ҳар жиҳатдан жавоб беришга қодир санъаткор...»

Сен саҳнада Маъдалихон сиймосини бетакрор яратиш орзусида узоқ ойлар заҳмат чекдинг, заҳматинг зое кетмади. Давр исканжасига тоб беролмай, охир-оқибат бутун борлиғини қурбон берган ёш, ҳукмдор шоирнинг аянчли қисмати сенинг талқинингда тўла ўз аксини топганлиги ҳақида «Нодирабегим» драмаси муаллифи устоз Туроб Тўла қувона-қувона гапирганда, биз ҳам сендек ажойиб актёр дўстимиз борлигидан бошимиз осмонга етганди.

«Хўш, энди нималар қилиш орзусидасан?» деб савол бердим сенга «Нодирабегим» премьерасидан сўнг. «Ҳамлет, Мажнун, Дон Кихотни ўйнасам» дединг. Чунки бу образлар замирида фақат софлик, гўзаллик, покиза илоҳий муҳаббат мужассам. Бу сиймолар менинг қалбимга яқин сиймолардир...» Ўша кунлари мен Шарқ халқларининг «Лайли ва Мажнун» афсонаси асосида «Муҳаббат султони» шеърий драмаси устида иш олиб бораётгандим-да. Асар битди, академик театрнинг бадиий кенгашига ўқиш учун берилди. Ўқиш ниҳоясига етгач, беихтиёр ўрнингдан туриб: «Илтимос, Қайс — Мажнун ролини менга беринглар», дединг.

Узоқ мулоҳазалардан кейин режиссёрнинг хоҳишига биноан бадиий кенгаш ролни сенга беришга қарор қилди ва сен ўша соатдан бошлаб Мажнун қиёфасига кирганча саҳнада иш бошладинг... Кунлар, ойлар ўтиб, асарни томошабинлар эътиборига ҳавола этадиган дамлар ҳам етиб келди... Учинчи қўнғироқдан кейин залдаги чироқлар аста-секин сўниб, парда очила бошлади... Гулзор бўйлаб булбул чаҳ-чаҳи янграмоқда... Саҳнада телба ҳолатга тушган Мажнун — сен пайдо бўлдинг...

***Ой, Лайли, Лайли, кел, мени шод эт!***
***Хаста дил ўйин бир дам обод эт!..***

Сенинг бу ўтли ноланг бутун спектакл жараёнида тобора авжига чиқди. Охир-оқибат соф муҳаббат ва ноҳақлик қурбони бўлган севгилинг жасадини бағрингга босганча дединг:

***Лайли, кўзинг оч! Кўзинг оч, Лайли!..***
***Эй фалак, мадад бер ғарибларингга!..***
***Демак, сен дўзахда мени қолдириб,***
***Ғавғосиз оламга бўлдинг равона?..***

***Йўқ, йўқ, Мажнунинг ҳам ёнингда бўлгай...***

Ёнингдан ханжар олиб ўз кўксингга санчиб, жонсиз жасадга бош қўйганча жон таслим этдинг... Парда ёпилди... Залда гулдирос қарсаклар... Парда очилди... Томоша аҳли кўзда ёш билан узоқ муддат сени олқишлади. Офаринлар айтиб, пойингга гуллар сочишди... Ўша кез бахтиёрлик нашидаси акс этган юзларингда қуёш порлагандек бўлди менинг наздимда. Сенинг актёрлик ҳаётингда бундай дамлар келажакда жуда кўп қайтарилишига амин бўлиб, мен ҳам сени олқишладим.



Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров давра суҳбатларининг бирида шундай деган эди: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Абдураҳимов ҳақида унинг истеъдоди, талайгина образлар яратганлиги ва ижобий томонлари ҳақида матбуотда, радио ва телевидениеда кўпроқ гапирилади-ю лекин унинг битта ноёб хусусияти — маҳорат йўналиши ҳақида жуда кам гапиришади. Қаҳрамон Абдураҳимовнинг бошқа актёрлардан фарқи шундаки, у универсал, кўпқиррали актёр. Драмалардаги бош қаҳрамонлар образларини қандай яратса, кичик характердаги образларни ҳам юқори даражага етказиб ўйнашга қодир актёр. Мисол тариқасида «Суҳбат Султони»даги Қайс билан «Пири коинот» даги Маврудийни олайлик...»

Дўстим! Сен салкам ўттиз йил мобайнида академик театримиз саҳнасида талайгина асар қаҳрамонлари қўшиғини завқу шавқ ила куйлабсану, яна «ҳали мен ўз қўшиғимни куйлаганим йўқ», деганинг нимаси? Камтарликнинг ҳам чегараси бор. Аслида театр саҳнасида сен яратган қаҳрамонлар куйлаган қўшиқ — бу сенинг ҳам қўшиғинг! Бу қўшиқ санъат аталмиш нурли бўстонда ҳамиша янграб тураверсин.

**Ҳайитмат РАСУЛ**

# ЭКОЛОГИЯ ВА МАДАНИЯТ

*Мулоҳаза*

Ҳар бир давр инсоният олдига ўзига хос муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Бизнинг давримизда юзага қалқиб чиққан долзарб масалалардан бири, шубҳасиз, атроф-муҳитнинг хавфсизлиги ва уни ҳимоя қилиш муаммосидир. Жаҳон миқёсида улкан ижтимоий муаммо сифатида эътироф этилаётган бу ҳолат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Мустақиллик йилларида республикамизда юз берган илмий-техник тараққиёт, барча тизимлардаги ўзгаришлар инсон ва табиат муносабатларида уйғун мувозанат масаласини юзага чиқарди.

Бугун, айниқса, экология муаммоси муҳим маънавий-эстетик аҳамият касб этмоқда. Миллий қадриятлар ва маънавиятнинг тикланиш жараёни кишиларда янги фуқаролик ҳиссиётини шакллантириб, шахсни ахлоқий тарбиялашнинг асосий манбаи бўлиб бораётир. Шу маънода рассомларнинг табиатни асраш йўлидаги сайъ-ҳаракатлари мақсадга мувофиқдир. Биз худди шундай ҳаракатни мусиқа санъати оламида ҳам ташкил этиш ниҳоятда зарурлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Бинобарин, айнан мусиқа ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришларга, ҳар бир ҳаётий муаммога муносабат билдиради ва айнан мусиқада давримизнинг барча воқеа-ҳодисалари худди ойнадагидек акс этиб туради.

Орол муаммоси бизни Ўрта Осиё халқларининг табиатдан фойдаланишда оқилона ва уйғун қўлланган анъаналарни қайта тиклаш ҳақида фикрлашга ундайди. Зеро, қадимда табиатга, унинг неъматларига муносабат инсон ва табиат муносабатларидаги уйғунликка интилишнинг муҳим йўлларидан бири сифатида қаралган.

Шуниси ҳам борки, Орол муаммоси бугун фақат экологик муаммо бўлиб қолмай, энг аввало, маданият муаммосидир. Шунинг учун ҳам у барчанинг диққат марказида турибди. Худди фан ва техникада бўлганидек, XX аср санъатида ҳам экологик ҳалокатга олиб борувчи жараёнлар содир бўлди. Ушбу ҳолат маънавиятга даҳлдор бўлгани учун табиатдаги экологик номутаносибликка нисбатан хавфлироқ эканини назарда тутишимиз лозим.

Ҳозирги кунда кишилар руҳиятида санъатдаги инсонпарварлик ғояларини экологик жиҳатдан баҳолаш ва санъатнинг маънавий-эстетик қиймати моҳиятини англаш жараёни кечмоқда. Шунинг учун ҳам бугун ўтмиш маънавий меросимизни қайта тиклаш, қадриятларимизни улуғлаш ниҳоятда зарур бўлиб қолмоқда. Бу эса янги замонавий идеаллар вужудга келишига замин яратади. Бундай жараёнда мусиқанинг ҳам ўз ўрни бор.

Янги маънавий идеаллар йўлидаги изланишлар санъатда янги, ўзига хос бир уйғунлик яратиш сари бошлади. Санъат турларининг бир-бирига уйғунлашиш тенденцияси юзага келаётир. Санъатдаги мавжуд учликни тушунишда ўзгариш юз берди: композитор-ижрочи-тингловчи учлигида ижрочининг вазифаси биринчи ўринга чиқди. Бу ҳолат эса шахснинг роли ортиб бораётгани билан изоҳланади. Зеро, бугун ижрочи шахснинг янгича савияда шаклланиш жараёни кечмоқда.

Замонавий санъатда ҳам учлик ўзига хос аҳамият касб этди: драматург-режиссёр-актёр учлигида актёр маҳорати биринчи планга қалқиб чиқди. Яъни худди композитор-ижрочи-тингловчи учлигига ўхшаш ходиса юз бериб, энди замонавий актёр ижодий жараёнга фаол аралашиб, режиссёрликка ҳам, драматургияга ҳам қўл урмоқда. Моҳиятан яратувчилик вазифасини бажармоқда. Ана шундай ўрин алмашиш, қўшилиш оқибатида шахснинг универсаллиги — барча ишга бирдек қодирлиги ортиб бормоқда. Худди шундай ҳолатни мусиқа санъатида ҳам яққол кўриш мумкин. Бунда ижрочи спектакл ёки бошқа бирор асарнинг ҳам дирижёри, ҳам режиссёри сифатида фаолият кўрсатиб, яхшигина ютуқларга эришаётир.

Бугун бизга юксак маънавий вазифаларни бажаришга қодир бўлган юқори малакали универсал мутахассислар сув билан ҳаводек зарур. Барча соҳада бўлгани каби санъат ҳам атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш рамзига айланиши лозим. Бинобарин, биз учун санъатнинг инсон қалбини покловчи ва кўкларга кўтарувчи муолажа вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда мусиқа оламида экологик реализм атамаси пайдо бўлди. Унинг моҳиятида табиат бутун мусаффолиги билан, ўрмонлар шовқини, капалаклар парвози, қушлар ноласи табиий тарзда ўз аксини топади. Композитор ва ижрочи ана шу нарсаларни одамларга соф ҳолда етказишлари, инсон ва табиат ўртасида уйғунлик ҳосил бўлишига ёрдам бериш йўлларини излашлари лозим. Санъат ривожининг бу йўли бугунги кунда ҳаққоний ягона йўлдир. Ижодкорларнинг авлод-аждодларимиз, турли даврлар, мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишлари бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Экология ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда маданият экологияси муаммосини ҳал қилиш унинг ҳаётийлигини таъминлаш гаровидир.

**Адиба ШАРИПОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,**
**Тошкент давлат Консерваторияси ўқитувчиси**

